123-банд. Фермер ва деҳқон хўжаликлари етиштирилган маҳсулотлар экспортни ҳажмини янада кўпайтириш.	2019 йил 1 июнь	Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари (С.Хожаметов), котибиятлари (А.Уразимбетов, А.Шамуратов), Ташқи савдо вазирлигининг ҚР вакили (В.Жоллибеков), Иктисодиёт ва саноат вазирлиги (Қ.Халмуратов), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (И.Юнусов), Инвестициялар бўйича қўмитаси (К.Садиков), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҚР ҳудудий бошқармаси (Т.Баекеев), туман(шаҳар)лар ҳокимликлари		Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига таклифлар киритиш. Лойиҳада: ҳар бир ҳудудда йирик ҳажмли музлаткич ва шок музлатиш ускуналари, гидрокулерларни ўрнатиш ва юқори қўшилган қийматли маҳсулотларни экспортга тайёрлашни ташкил этиш; ҳар бир ҳудудда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, ички ва ташқи бозорга сотишга ихтисослашган кооперативлар ташкил этиш; миллий экспорт-импорт порталини ташкил этиш орқали дунёнинг барча нуқталарида маҳсулотларга мавжуд талаб ва таклиф ҳақида маълумотларни «онлайн» режимда тезкор олиш имкониятини яратиш; республика ва чет элда мева-сабзавотларни реализация қилиш бўйича замонавий савдо-логистика мажмуалари - «хаб» ларни ўз ичига олган савдо майдончаларини ташкил этиш; хориждаги савдо самарадорлиги паст, фойдаланилмаётган савдо уйлари оптималлаштириш ёки салоҳиятли тадбиркорларга фойдаланиш учун бериш назарда тутилади.
25. 124-банд. Республикада экспорт ҳажмини оширишга киладиган чегараолди марказларини ташкил этиш.	2019 йил 1 сентябрь	Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари (А.Тажетдинов), котибияти (А.Шамуратов),		Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига таклифлар киритиш. Лойиҳада: чегараолди ҳудудларда дилерлик марказлари, меҳмонхоналар, умумий овқатланиш ва бошқа турдаги маиший хизмат кўрсатиш

		Ташқи савдо вазирлигининг ҚР вакили (В.Жоллибеков), Адлия вазирлиги (С.Худайбергенов), Инвестициялар бўйича қўмитаси (К.Садиков), туман(шаҳар)лар ҳокимликлари		объектларидан ташкил топган савдо мажмуаларини барпо этиш; визасиз тартиб жорий қилинмаган чет эл фуқароларига маълум муддат давомида савдо мажмуаси ҳудудига виза расмийлаштирмасдан ташриф буюришга рухсат бериш назарда тутилади.
--	--	----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	--	--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

IV. ИЖТИМОЙ СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

4.1. Аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш

6. 136-банд. Иш ўринларини ташкил этишни янада рағбатлантириш механизмларини жорий этиш.	2019 йил 30 январь	Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари (А.Тажетдинов), Котибияти (А.Шамуратов), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (У.Сабуrow), Иктисодиёт ва саноат вазирлиги (Қ.Халмуратов), Молия вазирлиги (М.Содиков), Инвестициялар бўйича қўмитаси (К.Садиков), тижорат банклари филиаллари, туман(шаҳар)лар ҳокимликлари		Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасига таклиф киритиш. Лойиҳа билан 2019 йил учун Бандликка кўмаклашиш давлат дастури тасдиқланади. Давлат дастурида: давлат буюртмаси механизмининг жорий этиш ҳисобига иктисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларида камидан 221,5 минг доимий иш ўрни яратиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш; фуқароларни ташкиллантирилган ҳолда хорижий давлатларда ишга жойлаштириш орқали 200,4 минг аҳолини иш билан таъминлаш; бандликка кўмаклашиш марказлари орқали 338,7 минг фуқарони иш билан таъминлаш; касбга ўқитиш, ҳуқуқий ва бошқа турдаги маслаҳатлар бериш каби ижтимоий ёрдамнинг номолиявий усулларида кенг фойдаланиш; мақсадли дастурларга мувофиқ микрокредитлаш ҳисобига аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш микродорини кескин ошириш назарда тутилади.
------------------------------------------------------------------------------------------	--------------------	--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	--	-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

4.2. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сесий фаоллигини ошириш

147-банд. Тиббиёт муассасаларида қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини амалга ошириш.	Йил давомида	Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари (М.Жуманов), Котибияти (Б.Аимбетов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Д.Ходжиев), Инвестициялар бўйича кўмитаси (К.Садиков), Молия вазирлиги (М.Содиқов), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Қ.Халмуратов), Қурилиш вазирлиги (Ж.Бердиханов), туман(шаҳар)лар ҳокимликлари	41595,0 млн. сўм	Ўзбекистон Республикаси давлат ривожлантириш дастурларини молиялаштириш жамғармаси маблағлари	Амалий чора-тадбирлар. Бунда 11 та тиббиёт объектида, жумладан 2 та республика, 9 та қишлоқ, шаҳар оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларида 41595,0 млн сўмлик қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини амалга ошириш назарда тутилади. Хусусан, 6 та янги объект қуриш, 4 та объектни реконструкция қилиш ва 1 та объектни мукаммал таъмирлаш ишлари олиб борилади.
148-банд. Тиббий хизмат сифатини яхшилаш ва кўламини кенгайтириш мақсадида даволаш-профилактика муассасаларини жиҳозлаш.	Йил давомида	Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари (М.Жуманов), Котибияти (Б.Аимбетов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Д.Ходжиев), Инвестициялар бўйича кўмитаси (К.Садиков), Молия вазирлиги (М.Содиқов), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Қ.Халмуратов), туман(шаҳар)лар ҳокимликлари	Хорижий грантлар доирасида	Халқаро молия институтлари маблағлари	Амалий чора-тадбирлар. Бунда 2019 йилга мўлжалланган Инвестиция дастури доирасида лойиҳаларни амалга ошириш, тармоқ жадвалларини тасдиқлаш ва даволаш-профилактика муассасаларини зарур тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ишлари амалга оширилади.
150-банд. Хусусий тиббиёт хизмати соҳасини янада ривожлантириш ва соҳага хорижий инвестицияларни жалб қилиш.	Йил давомида	Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари (М.Жуманов), Котибияти (Б.Аимбетов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Д.Ходжиев),	Ҳисоб-китобларга асосан	Ташаббускорлар маблағлари	Амалий чора-тадбирлар. Республика бўйича 19 та, жумладан 5 та чет эл инвестицияси иштирокидаги хусусий тиббиёт муассасалари ташкил этилади.

		Инвестициялар бўйича кўмитаси (К.Садиков), туман(шаҳар)лар ҳокимликлари			
30. 167-банд. Оғир турмуш шароитида яшаётган хотин-қизларни янада қўллаб-қувватлаш.	2019 йил 20 февраль	Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари (З.Ибрагимова), Котибияти (Г.Бахиева), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (У.Сабуров), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Қ.Халмуратов), туман(шаҳар)лар ҳокимликлари			Амалий чора-тадбирлар. Бунда оғир турмуш шароитида яшаётган хотин-қизлар қорхоналардаги бўш ва квоталанган иш ўринларига жойлаштирилади, хунармандчилик, оилавий тадбиркорлик ва бош йўналишларда манзилли асосда иш билан таъминланади.
31. 168-банд. Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни уй-жой нархининг бошланғич тўлов миқдорини тўлаб бериш орқали қўллаб-қувватлаш.	Йил давомида	Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари (З.Ибрагимова), Котибияти (Г.Бахиева), «Оила» илмий-амалий маркази (М.Утепбергенов), Молия вазирлиги (М.Содиқов), туман(шаҳар)лар ҳокимликлари	4,7 млрд. сўм	Хотин-қизлар ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари	Амалий чора-тадбирлар. Тадбир доирасида 120 нафар оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўликсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналарга имтиёзли ипотека кредити асосида арзон уй-жойлар берилади.
32. 169-банд. Хотин-қизлар ривожлантириш.	Йил давомида	Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари (З.Ибрагимова), Котибияти (Г.Бахиева), тижорат банклари филиаллари, туман(шаҳар)лар ҳокимликлари	8,9 млрд. сўм	Хотин-қизлар ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари	Амалий чора-тадбирлар. Тадбир доирасида Хотин-қизлар ва оилани қўллаб-қувватлаш фонди орқали хотин-қизлар ривожлантиришга янада имтиёзли кредит ажратилади.

170-банд. Хотин-қизларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш ва оиладаги низоли вазиятларнинг барвақт олдини олиш борасидаги ишларни тизимли асосда ташкил этиш.	Йил давомида	Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари (З.Ибрагимова), котибияти (Г.Бахиева), Ички ишлар вазирлиги (А.Темирханов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Д.Ходжиев), «Маҳалла» хайрия жамоат фонди (Т.Романов), туман(шаҳар)лар ҳокимликлари	Ҳисоб-китобларга асосан	Ижрочилар маблағлари	Амалий чора-тадбирлар. Тадбир доирасида 8 та туманда зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жониغا қасд қилишнинг олдини олиш марказлари ташкил этилади.
-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	--------------	----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-------------------------	----------------------	------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

4.3. Арзон уй-жойлар барпо этиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, аҳолининг ҳаёт шароитлари яхшиланишини таъминловчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш

4. 171-банд. Арзон уй-жойлар қуриш дастурини изчил давом эттириш, намунавий уйлар лойиҳаларини такомиллаштириш, энергия тежамкор технологияларни қўллаш, замонавий ва арзон қурилиш материалларидан фойдаланиш чораларини кўриш.	Йил давомида	Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари (Ж.Ембергенов), котибияти (А.Матиков), Қурилиш вазирлиги (Ж.Бердиханов), Молия вазирлиги (М.Содиқов), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Қ.Халмуратов), тижорат банклари филиаллари, «Қишлоққурилиш инвест» МЧЖ (Р.Мадатбаев), туман(шаҳар)лар ҳокимликлари	232,8 млрд сўм	Давлат бюджети маблағлари Халқаро молия институтлари маблағлари Ижрочилар маблағи	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: қишлоқ жойларда ва фуқароларнинг алоҳида тоифалари учун 866 та арзон уй-жойлар қурилиши (2 сотихли 3 хонали 146 та уй ва 29 та кўп қаватли уйлар); Нукус шаҳрида 10 та кўп қаватли уйлар қурилиши назарда тутилган.
----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	--------------	------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	----------------	---------------------------------------------------------------------------------------------	---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

5. 172-банд. Республика ҳудудларидаги аҳоли пунктларида ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тармогини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.	Йил давомида	Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари (Ж.Ембергенов), котибияти (М.Аметов), Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Р.Сейтов), Қурилиш вазирлиги (Ж.Бердиханов), Молия вазирлиги (М.Содиқов), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Қ.Халмуратов), Инвестициялар бўйича кўмитаси (К.Садиқов), туман(шаҳар)лар ҳокимликлари	66,8 млрд сўм 2 млн АҚШ доллари	Давлат бюджети маблағлари, Ичимлик ва оқова суви тизимини ривожлантириш жамғармаси Халқаро молия институтлари маблағлари	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: 69 та ичимлик сув ва оқова сув тармогини ривожлантириш лойиҳалари доирасида 253,9 км ичимлик сув ва оқова сув тармоқларини ҳамда 11 та ичимлик сув иншоотларини реконструкция қилиш ва қуриш; халқаро молия институтлари иштирокида 5 та ичимлик сув тармогини ривожлантириш лойиҳалари доирасида 6 та ичимлик суви объектларини ҳамда 42,3 км ичимлик суви тармоқларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш ишлари амалга оширилади.
6. 173-банд. Кўп қаватли уй-жой фондини тўлиқ инвентаризациядан ўтказиб, хорижий тажриба асосида реновация дастурини ишлаб чиқиш.	2019 йил 1 май 2019 йил 1 сентябрь	Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари (Ж.Ембергенов), котибияти (М.Аметов), Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Р.Сейтов), Қурилиш вазирлиги (Ж.Бердиханов), Фавкуллда вазиятлар бошқармаси (Б.Оразбаев), вазирлик ва идоралар, туман(шаҳар)лар ҳокимликлари			Амалий чора-тадбирлар. Бунда кўп қаватли уй-жой фонди тўлиқ хатловдан ўтказилади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси. Лойиҳада фавкуллда ҳолатларнинг олдини олиш ва кўп квартиралар уйларида истикомат қиладиган фуқароларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш мақсадида эскириб қолган кўп қаватли уйлар ўрнида босқичма-босқич янги уй-жойлар қуриш бўйича реновация дастурларини тасдиқлаш назарда тутилади.

174-банд. Фонднинг яхшилаш.	Республика уй-жой иситиш тизимларини	Йил давомида	Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари (Ж.Ембергенов), котибияти (М.Аметов), Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Р.Сейтов), Молия вазирлиги (М.Содиқов), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Қ.Халмуратов), Инвестициялар бўйича қўмитаси (К.Садиқов), туман(шаҳар)лар ҳокимликлари	11,6 млрд сўм	Давлат бюджети маблағлари	Амалий чора-тадбирлар. Бунда республика ҳудудидаги 2 та маҳаллий қозонхона реконструкция қилинади ва 5,2 км иссиқлик таъминоти тармоқлари таъмирланади.
175-банд. ширкатларида харажатларни профессионал компаниялари кувватлаш.	Уй-жой мулкдорлари маъмурий ҳаражатларни камайтириш учун профессионал бошқарув компаниялари фаолиятини қўллаб-қувватлаш.	2019 йил 20 апрель	Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари (Ж.Ембергенов), котибияти (М.Аметов), Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Р.Сейтов), Молия вазирлиги (М.Содиқов), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Қ.Халмуратов), туман(шаҳар)лар ҳокимликлари			Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига таклифлар киритиш. Лойиҳада уй-жой мулкдорлари ширкатларида маъмурий харажатларни камайтириш учун уларни давлат-хусусий шериклик бўйича инвесторларга бериш назарда тутилади.
176-банд. Ичимлик сув таъминоти корхоналари маълумотлар базаси ва геоахборот марказлашган тизимини яратиш.		2019 йил 1 декабрь	Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари (Ж.Ембергенов), котибияти (М.Аметов), Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Р.Сейтов), Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Якубов), туман(шаҳар)лар ҳокимликлари	Ҳисоб-китобларга асосан	Ижрочилар ва халқаро молия институтлари маблағлари	Амалий чора-тадбирлар. Бунда ичимлик сув таъминоти корхоналарида биллинг ва геоахборот тизимлари жори этилади.

40.	178-банд. Шаҳар кўчалари ва бошқа аҳоли пунктларининг ички йўлларини капитал ва жорий таъмирлаш.	Йил давомида	Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари (Ж.Ембергенов), котибияти (А.Матиков), Автомобиль йўллари ҳудудий бошқармаси (Т.Палмуратов), Молия вазирлиги (М.Содиқов), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Қ.Халмуратов), Инвестициялар бўйича қўмитаси (К.Садиқов), туман(шаҳар)лар ҳокимликлари	15,3 млрд сўм	Давлат бюджети маблағлари	Амалий чора-тадбирлар. Бунда 71,0 км қишлоқ, Нукус шаҳар, шаҳар посёлкалари ва овул йўлларини жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилади.
41.	181-банд. Ўзбекистон Республикасининг 2019-2028 йилларга мўлжалланган қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш.	2019 йил 1 март	Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосарлари (Ж.Казбеков, Ж.Ембергенов), котибиятлари (А.Салихов, М.Аметов), Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси (Т.Хожаназаров), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Қ.Халмуратов), Молия вазирлиги (М.Содиқов), Инвестициялар бўйича қўмитаси (К.Садиқов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Д.Ходжиев), туман(шаҳар)лар ҳокимликлари			Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасига таклифлар киритиш. Лойиҳа билан маиший чиқиндилар бошқаруви бўйича узоқ муддатли ташкилий-иқтисодий тадбирларни ўз ичига олган дастур тасдиқланади. Дастурда: қаттиқ маиший чиқиндилар ҳосил бўлишини камайтириш, маиший чиқинди ҳосил бўлишининг ўсиш жараёни ва уларнинг хавфлилигини камайтириш; қаттиқ маиший чиқиндилар ва улардаги фойдали таркибий қисмларни қайта ишлаш орқали улардан иккиламчи хом ашё сифатида фойдаланиш; қаттиқ маиший чиқиндилардан энергия олиш, маиший чиқиндилардан биогаз ва синтез-газ олиш, улардан муқобил энергия сифатида электр ҳамда иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш ёки маиший газ сифатида фойдаланиш назарда тутилади.

182-банд. Санитария-тозалаш хизматлари фаолиятини янада кенгайтириш.	Иил давомида	Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосарлари (Ж.Казбеков, Ж.Ембергенов), котибиятлари (А.Салихов, М.Аметов), Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш қўмитаси (Т.Хожаназаров), Молия вазирлиги (М.Содиқов), туман(шаҳар)лар ҳокимликлари	16,3 млрд. сўм	Давлат бюджети маблағлари	Амалий чора-тадбирлар. Бунда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни янада такомиллаштириш ва «Тоза ҳудуд» ДУК моддий-техника базасини мустақкамлаш мақсадида ҳудудларда 95 та чиқинди йиғиш майдончаси қурилади, 688 та контейнер ўрнатилади ва 21 та махсус техника харид қилинади.
----------------------------------------------------------------------	--------------	---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	----------------	---------------------------	--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

4.4. Маданият, спорт ва туризмни янада ривожлантириш

3. 188-банд. Моддий маданий мерос объектларининг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлаш.	Иил давомида	Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари (М.Жуманов), Котибияти (Б.Аймбетов), Маданият вазирлиги (К.Турдиев), Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Якубов), Молия вазирлиги (М.Содиқов), туман(шаҳар)лар ҳокимликлари	Ҳисоб-китобларга асосан	Республика ва маҳаллий бюджет маблағлари	Амалий чора-тадбирлар. Бунда моддий маданий мерос объектларини техник ҳатловдан ўтказиш, уларнинг кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш ва давлат рўйхатидан ўтказиш, уларнинг муҳофаза белгиларини ўрнатиш таъминланади.
4. 200-банд. Республикага туристлар оқимини янада кенгайтириш мақсадида машҳур халқаро брендлар асосида фаолият юритувчи етакчи компаниялар филиалларини Ўзбекистонда очиш чораларини кўриш.	Иил давомида	Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари (Б.Хабидуллаев), Котибияти (М.Таджимуратов), Инвестициялар бўйича қўмитаси (К.Содиқов),	Ҳисоб-китобларга асосан	Хорижий ва маҳаллий инвесторлар маблағлари	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: халқаро брендлар асосида озик-овкат, спорт, савдо хизматлари, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда фаолият юритувчи йирик компаниялар билан музокаралар ўтказиш;

		Туризмни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси (Б.Кусекеев), Ташқи савдо вазирлиги ҚР вакили (В.Жоллибеков), туман(шаҳар)лар ҳокимликлари			Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан тегишли лойиҳаларни амалга ошириш чоралари қурилади.
--	--	--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	--	--	--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

4.5. Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш

5. 1-банд. Мактабгача таълимнинг қамровини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш.	Иил давомида	Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари (М.Жуманов), Котибияти (Т.Ганиев), Мактабгача таълим вазирлиги (Ж.Уснатдинова), Молия вазирлиги (М.Содиқов), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Қ.Халмуратов), Қурилиш вазирлиги (Ж.Бердиханов), Инвестициялар бўйича қўмитаси (К.Содиқов), туман(шаҳар)лар ҳокимликлари	53 550 млрд сўм	Ўзбекистон Республикаси давлат ривожлантириш дастурларини молиялаштириш жамғармаси маблағлари	Амалий чора-тадбирлар. Бунда: 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабр куни ПҚ-4067-сонли қарори тасдиқланган, бунда Қорақалпоғистон Республикасида жами 18 та мактабгача таълим муассасаларини реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш режалаштирилган ва мактабгача таълим муассасалари лойиҳа институтлари тамонидан лойиҳа-ҳужжатлари ишлари амалга оширилмоқда.
6. 204-банд. Барча ҳудудларда Президент мактабларини ташкил этиш.	Иил давомида	Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари (М.Жуманов), Котибияти (Т.Ганиев), Халқ таълими вазирлиги (А.Аяпов), Молия вазирлиги (М.Содиқов), Қурилиш вазирлиги (Ж.Бердиханов), Инвестициялар бўйича қўмитаси (К.Содиқов),	Ҳисоб-китобларга асосан	Ўзбекистон Республикаси давлат ривожлантириш дастурларини молиялаштириш жамғармаси, Халқ таълиминини	Амалий чора-тадбирлар. Дастлаб Нукус шаҳрида, кейинчалик бошқа ҳудудларда босқичма-босқич янги турдаги мактаблар — Президент мактаблари ташкил этилади.

					экстремизм, фундаментализм ва терроризм гоёларининг анъанавий ислом динига зид эканлигини изоҳловчи илмий ва ҳужжатли фильмларни, жумладан хорижий тилларда яратиш назарда тутилади.
240-банд. Барча аҳоли катламларини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш тартибини такомиллаштириш ва оптималлаштириш.	2019 йил 1 август	Вазирлар Кенгаши бўлимлари (О.Сапаров, Ж.Идиятуллаев), Фавқулодда вазиятлар бошқармаси (Б.Оразбаев), ИИВ (А.Темирханов), Мудофаа бошқармаси (Б.Бегабаев), Миллий гвардия (М.Юсупов), туман(шаҳар)лар ҳокимликлари			Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларига таклифлар киритиш. Лойиҳаларда: аҳолини фавқулодда вазиятларга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш; фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш бўйича тадбирларда аҳолининг иштирокини фаоллаштириш; фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш тизимини такомиллаштириш назарда тутилади.

5.2. Ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар

2. 252-банд. Оролбўйи минтақасида янги муҳофаза этиладиган, жумладан трансчегаравий табиий ҳудудларни ташкил этиш.	2019 йил 1 июнь	Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари (Ж.Казбеков), Котибияти (А.Салихов), Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси (Т.Хожаназаров), Инвестициялар бўйича қўмитаси (К.Садиқов), туман(шаҳар)лар ҳокимликлари	Ҳисоб-китобларга асосан	Ажратилган бюджет маблағлари доирасида, халқаро молия институтлари маблағлари	Комплекс чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш. Режада: Оролбўйи минтақасида янги муҳофаза этиладиган, жумладан трансчегаравий табиий ҳудудларни ташкил этиш; Қозоғистон ва Туркманистон билан ҳамкорликда қўриқланувчи табиий ҳудудларни яратиш; муҳофаза этиладиган ва трансчегаравий янги табиий ҳудудларни ташкил этиш ҳамда биоҳилма-хилликни асраб-авайлашни яхшилаш бўйича норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш назарда тутилади.
--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-----------------	-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-------------------------	-------------------------------------------------------------------------------	-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

